# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 26 декабрь, № 249 (6432) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ИСТИҚЛОЛНИНГ УЛУҒВОР ТИМСОЛИ

Ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи очилганига 28 декабрда 10 йил тўлади.

*Бизнинг йўлимиз тараққиёт, фаровонлик, эзгулик йўлидир. Мустақилликка эришган кунимиздан бошлаб биз пок ва улуғвор орзуларимизни баён қилдик. Хусусан, бебаҳо маънавиятимиз, маданиятимизни, авваламбор, урф-одатларимиз, миллий анъана ҳамда қадриятларимизни қайта тиклаб, руҳиятимизга қайтардик.*



ИФТИХОР

Аждодларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, муқаддас қадамжоларни обод этдик. Ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, мақсадлари юксалди. Халқимиз фаровонлик ва бахтли турмуш қадрини ҳис қилди. Эътиборлиси, бу эзгу ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Шунинг учун ҳам ўтган ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа биз учун ниҳоятда азиздир. Тинч ва осуда ҳаётни эъзозлаш, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш нақадар муҳим эканини ҳар биримиз теран англадик.

Ҳар гал энг муқаддас ва мўътабар масканларимиздан бири, Бош майдонимиз — Мустақиллик майдонига қадам қўйганимизда, хаёлимиздан беихтиёр ана шу фикрлар ўтади. Бу табаррук гўшанинг гўзаллиги, файзу тароватi, бетакрор меъморий ечими, шубҳасиз, ҳар қандай ташриф буюрувчини ўзига мафтун этади. Шу билан бирга, бунёдкор халқимизнинг куч-қудрати, салоҳияти, обод ва фаровон турмушимиз, порлоқ истиқболимиз рамзи сифатида ҳам намоён бўлади.



Мустақиллик майдони ҳар бир ватандошимиз учун азиз ва мўътабар бўлиб, Ўзбекистонимизнинг чинакам тимсолига айлансин. Барчамизнинг истагимиз шуки, Бош майдонимиз асрлар давомида халқимизга хизмат қилиб, элимизнинг, юртимизнинг эзгу интилишларини бутун дунёга намоён этсин, деган эди давлатимиз раҳбари.

(Давоми 2-бетда).

БИЗ ВА ЖАҲОН

Виржиния штатининг Қишлоқ хўжалиги ва маиший хизматлар департаментида мамлакатимиз иқтисодий ва сармоявий салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди.

## Мамлакатимизнинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти АҚШда тақдим этилди

Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги элчихонаси томонидан ташкил этилган тадбирда АҚШ ишбилармон доиралари, жумладан, “Honeywell”, “Resource Recovery”, “APCO Worldwide”, “Bitdefender”, “Curtis”, “GenEdge”, “Mission: Mobility”, “World Affairs Council”, “Greater Richmond Partnership” ва бошқа етакчи компаниялар вакиллари қатнашди. Шу билан бирга, маросимда Виржиния университетининг профессор-ўқитувчилари ҳам ҳозир бўлди.

Тақдимот чоғида юртимизда хорижлик сармоядорлар учун яратилган қулай шароитлар, хусусан, уларга берилган имтиёз ва афзалликлар тўғрисида атрофлича сўз юритилди. “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналаридаги кенг қамровли имкониятлар ҳамда биргаликда амалга ошириш таклиф этиладиган конкрет сармоявий лойиҳалар Америка бизнес ҳамжамияти вакилларининг эътиборига ҳавола қилинди. Жорий йил апрель ойида қабул қилинган Саноат корхоналарини хусусийлаштириш дастури республика иқтисодиётининг стратегик жабҳаларида чет эл компанияларининг иштирокини кенгайтиришни кўзда тутиши алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, анжуман қатнашчилари Ўзбекистоннинг кейинги йиллар давомидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий натижалари, бой сайёҳлик салоҳияти ва маданий-тарихий меросига оид маълумотлар билан ҳам яқиндан танишдилар. Мамлакатимизнинг сармоявий имконияти, юртимиздаги бизнес муҳит, хусусийлаштирилиши кўзда тутилган давлат корхоналарининг рўйхати, устувор инвестициявий лойиҳалар ва бошқа шу каби ахборот материаллари тақдимот иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Буни уларнинг фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин.

Масалан, **“Dominion” энергетика корпорациясининг иқтисодий ривожланиш бўйича директори Чарльз Донато** ёқилғи-энергетика соҳасида инновация технологияларини қўллаш ҳамда қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш жабҳаларида Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиши мумкинлигини таъкидлади. У аниқ лойиҳалар ва уларнинг ҳаётга татбиқ этилишини муҳокама қилишга тайёр эканлигини ҳам билдирди.

(Давоми 2-бетда).

## Маҳаллий Кенгашлар ва фуқаролар йиғинлари ҳамкорлиги

ҳудудий аҳамиятга молик масалалар ечимида муҳим ўрин тутмоқда

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамкорлигида “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан ижтимоий шериклигининг ҳуқуқий асослари” мавзуида семинар ўтказилди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, вазирлик ва идоралар вакиллари, фуқаролар йиғинлари раислари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Юртимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва демократик давлатни барпо этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва аҳамияти тобора ортиб бораётгани таъкидланди. Хусусан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шу жумладан, масалаларга жойида ечим топишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлиги муҳим омил бўлаётир.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси маҳаллий Кенгашлар ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасида янги босқични бошлаб берди. Зеро, Концепция асосида 2013 йилнинг 22 апрелида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги таҳрири қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлиги масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Айнан ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шунингдек, тегишли ҳудуддаги аҳолининг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, болалар спорт майдончаларини жиҳозлаш, моддий-маданий мерос объектларини сақлаш, реконструкция қилиш, таъмирлаш каби ишларда ихтиёрийлик асосида қатнашишига оид бир қатор нормалар мазкур Қонунда белгилаб қўйилган.

Ана шу меъёрлардан келиб чиққан ҳолда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудуддаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ННТ, хусусан, маҳаллий Кенгашлар билан турли йўналишларда ҳамкорликни амалга оширмоқда. Айни чоғда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари қонунларга риоя этилиши ва бошқа қонун ҳужжатлари ва ўз қарорлари, шунингдек, шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғини қарорлари ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

*Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси кичик бизнес корхоналари томонидан тайёрланган маҳсулотлар тақдимотини ўтказди.*

КИЧИК БИЗНЕС

“Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” шиори остида ташкил этилган тақдимот тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, товарлар сифатини янада яхшилаш ва кенг тарғиб қилишга йўналтирилгани билан иштирокчиларга маъқул тушди. Унда “Соф асал”, “Norin mega tech”, “София соф текстиль” масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда “Файз пойабзал савдо” сингари илғор субъектлар фаолиятига доир маълумотлар билан таништириш баробарида, маҳаллий шароитда тайёрланаётган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлари тақдимотини ҳам ўтказди.

— Жорий йилнинг март ойидан кунига 3500 жуфт турли ўлчамдаги пайпоқлар тайёрлашга киришдик, — дейди “София соф текстиль” қўшма корхонаси раҳбари Муроджон Қодиров. — Бу ерда Жанубий Кореядан келтирилган энг замонавий технологик жиҳозлар ўрнатилган бўлиб, уларни 25 нафар маҳаллий йигит-қиз бошқараяпти. Қувватлар тўла ўзлаштирилгач, ўтган бир ярим ой давомида 500 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб, ички бозорга чиқардик. Келгусидаги режаларимиз янада катта. Жумладан, хорижий ҳамкорлар билан тузилган шартномага мувофиқ, яна 100 та тўқув дастгоҳи келтириб, 100 та қўшимча иш ўрни яратиш ҳамда экспорт фаолиятини йўлга қўйиш ниятидамиз.

Тақдимот чоғида бошқа ишлаб чиқарувчилар ҳам янги маҳсулот турларини ўзлаштириш, ташқи савдо амалиётини кенгайтириш билан боғлиқ истиқболли режалари хусусида гапириб бердилар.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Сульфат натрия саноатнинг турли тармоқлари, хусусан, шиша, кир ювиш кукуни, лок-бўёқ ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади.*

### Саноат учун ноёб хом ашё

Шу пайтга қадар четдан валюта эвазига келтирилган ушбу ноёб хом ашёни маҳаллий шароитда тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу имконият Қўнғирот туманида “Устюрт сульфат натрий” масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлаши билан юзага келди.

— Қиймати 4 миллиард 900 миллион сўмлик мазкур лойиҳа доирасида Хитойдан замонавий технологиялар харид қилдик, — дейди корхона раҳбари Сардорбек Адилбеков. — Бу орқали 45 кишининг бандлиги таъминланди. Ҳозир улар томонидан ойига 250 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилаяпти.

Айни пайтда корхонада қувватлар самарадорлигини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш ҳамда маҳсулот экспортини йўлга қўйиш борасида ҳам изланишлар олиб борилмоқда.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Оилавий корхона самараси

*Қизириқ туманининг Рабатак маҳалласидаги “Мўътабар текстиль” оилавий корхонасида 10 киши меҳнат қилади. Жамоа банк томонидан ажратилган 25 миллион сўмлик кредит ҳамда ўз маблағи ҳисобидан келтирилган хориж технологияси ёрдамида қолипли нон ва 20 турдаги қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.*

— Маҳсулотларимиз камхарж усулда тайёрланаётгани боис, таннархи анча арзонга тушаяпти, — дейди оилавий корхона раҳбари Х. Валиева. — Бу эса буюртмачиларимиз сони кўпайишига хизмат қилмоқда. Яқинда энг сўнгги русумдаги 7 та тикув машинаси харид қилдик. Келгуси йилда фаолиятимизни янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

Жорий йилнинг ўтган даврида туманда шу каби 6 та оилавий корхона иш бошлади.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Олимлар тавсиялари асосида

*Бухоро шаҳридаги “Эркатой болажон” масъулияти чекланган жамиятида икки турдаги тиббий пойабзал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу Бухоро муҳандислик-технология институти олимлари тавсияси асосида амалга оширилди.*

— Биз патологик нуқсонли болалар учун махсус оёқ кийими конструкциясини ишлаб чиқиш ва унинг технологиясини яратиш устида изланишлар олиб бораяпмиз, — дейди техника фанлари номзоди, доцент Сайфулло Мусаев. — Шу мақсадда уч йилга мўлжалланган давлат грантини қўлга киритдик. Шаҳар тиббиёт бирлашмаси ҳамда бир қатор мактабгача таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Лойиҳада кўзда тутилган юмушлар якунига етгач, ясситовонлик аниқланган болалар учун қулай, бежирим пойабзаллар ишлаб чиқариш тури янада кўпаяди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪТИБОР

*...Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг янги ва замонавий биносига ташриф буюрар экансиз, беихтиёр унинг олдидаги таблога кўзингиз тушади. Тескари ҳисоб юритадиган ушбу қурилмада Рио-де-Жанейрода бўладиган Олимпия ўйинлари бошланишига неча кун қолгани акс этиб туради. Айтайлик, бугун таблода 223 рақами ифодаланган.*

## Мақсад — Олимпиадада муносиб иштирок этиш

Спортчиларимиз эса ана шу беллашувларга муносиб ҳозирлик кўриш жараёнини анча олдин, яъни 2013 йилдан бошлашган. Зеро, ўша йили 25 февралда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2016 йил Рио-де-Жанейро шаҳри (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпиада ва XV Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриши тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат асосида спортчиларимиз ўқув-машғулот йиғинлари, турли халқаро мусобақаларда иштирок этиш орқали маҳоратларини ошириб боришаяпти. Ўз навбатида, тўрт йилликнинг энг нуфузли спорт анжуманига йўлланма олаётган ҳамюртларимиз сони ҳам тобора ортиб бораяпти. Бу, албатта, барчамизни қувонтиради.

Кеча Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасида ташкил этилган анжуманда шулар хусусида атрофлича сўз юритилди. Таъкидланганидек, 2014/2015 йиллар давомида Олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича катталар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатларида жами 18 нафар спортчимиз совриндор бўлди. Уларнинг 14 нафари олтин медаллар билан тақдирланган. Шунингдек, ўтган давр мобайнида атлетларимиз томонидан Олимпиада ўйинларига 26 та, Паралимпия ўйинларига эса 24 та йўлланма қўлга киритилган.

(Давоми 2-бетда).

# ИСТИҚЛОЛНИНГ УЛУҒВОР ТИМСОЛИ

**Ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи очилганига 28 декабрда 10 йил тўлади.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, Ватанимизнинг юраги бўлмиш ушбу муаззам майдон аждодларимиз асрлар мобайнида орзиқиб кутган, бугунги авлодларга насиб этган энг улуғ, энг азиз неъмат — истиқлолимиз рамзидир. Шу боис барчамиз мустақиллик бизга ато этган неъматларнинг нечоғли буюк ва қадрли эканини шу майдон тимсолида чуқур ҳис этамиз.

Майдоннинг рамзий дарвозаси ҳисобланган Эзгулик аркаси тепасидан парвозга шайланган турналар, халқимизнинг қалбидек, орзуларидек оппоқ лайлаклар дилларда эзгу туйғулар уйғотади. Арканинг баланд ва мустаҳкам устунлари — мустақил мамлакатимизнинг бақувват таянчлари ифодасидир. Бу остонадан ўтадиган ҳар бир юртдошимизнинг қалби шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғулари билан тўлади.

2005 йилнинг 28 декабрида Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонида янги қад ростлаган монумент пойига гул қўйди. Майдонда истиқлолимизнинг дастлабки кунларида барпо этилган Мустақиллик монументи олдидан фарзандини бағрига босиб турган Бахтиёр она сиймоси жой олди. Зеро, мустақиллик ва эзгулик тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Она сиймоси биз учун азалдан меҳрибонлик, фидойилик, эзгуликнинг ёрқин тимсолига айланган. Давлатимиз раҳбари таклифига биноан, ўзининг чуқур ва кенг маъно-мазмуни билан барчамиз учун азиз бўлган икки муқаддас қадриятни ўзида мужассамлаштирган ушбу мажмуага ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи, деб ном берилди.

Мазкур икки қадрият замирида халқимизнинг асрий интилишлари, эзгу орзу-умидлари мужассам. Бугун янги оила қураётган йигит ва қизлар майдондаги Эзгулик аркаси остонасидан ўтиб, ушбу монумент пойига зиёратга келар экан, фарзандини бағрига босиб турган бахтиёр она сиймосида ўзининг беғубор, пок орзуларини кўргандек бўлади.

Умумхалқ байрамлари, тантанали маросимларда ушбу обида пойига гул қўйиш анъанага айланган. Шунингдек, Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, турли даражадаги делегациялар вакиллари ҳамда бошқа меҳмонлар ҳам Монумент пойига гул қўйиш орқали ўз ҳурмат ва эҳтиромларини ифода этадилар.

Мана, бир неча йилдирки, Мустақиллик майдонида пойтахтимиздаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун Мустақиллик дарси ўтказилмоқда. Бунинг замирида чуқур маъно мужассам. Фарзандларимиз билимлар оламига илк қадамини, аввало, Ватанни, Истиқлолимиз инъом этган улуғ неъматларни, бугунги саодатли кунларни англашдан, ардоқлашдан бошлайди. Навқирон авлод вакилларининг янги ўқув йилидаги илк сабоғи мазкур майдонда ўтказилиши улар қалбида миллий ғурур ва соғлом дунёқарашни шакллантириш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлишга, иродаси мустаҳкам, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.

— Мустақиллик майдони ва унда Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган Мустақиллик ва эзгулик монументи ўзининг улуғворлиги, кўрку салобати билан давлатимизнинг улкан куч-қудрати ва салоҳиятини ифодалаб турибди, — дейди пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 4-умумтаълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Раҳматулла Каримов. — Бу обида халқимизнинг ғурур-ифтихорини юксалтиришга хизмат қилади. Айни чоғда Монумент мамлакатимизнинг тинчликсевар сиёсатини, халқимизнинг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу интилишларини, юртимиздаги тинчлик, барқарорлик, буюк келажагимизга қатъий ишончимизни акс эттирган ноёб мажмуадир. Унинг Ватанимиз, халқимиз ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини ёш авлод онги ва қалбига сингдириш таълим-тарбия жараёнида ғоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

Мустақиллик майдонидан меҳмонлар қадами узилмайди. Улар орасида кенг жамоатчилик вакиллари, бир қанча танлов ва мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган ёшлар, мактаб ўқувчилари, талабалар, нуроний отахону онахонлар, хорижлик сайёҳлар, турли касб ва соҳа вакилларини учратиш мумкин.

— Бу мўътабар ва муқаддас мажмуани томоша қилиш менга ўзгача ғурур, катта шижоат бахш этади, — дейди таэквондо (WTF) бўйича миллий терма жамоамиз аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи Жасур Бойқўзиев. — Шу боис ҳар гал бирор бир халқаро турнир олдидан, албатта, Мустақиллик майдонига келаман. Бу маскан менга янги куч беради, улкан муваффақиятлар сари ундайди.

Истиқлолимиз рамзи — Мустақиллик майдони, Мустақиллик ва эзгулик монументи ҳурриятдан, эзгуликдан сўйлайди, хайрли амалларнинг рамзи янглиғ одамларни мудом яхшиликка чорлайверади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Мамлакатимизнинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти АҚШда тақдим этилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш юзасидан самарали чора-тадбирлар кўрилаётгани ҳақида сўзлар экан, дунёдаги йирик юридик компания — **“Dentons LLP” шериги Гули Сабахи** АҚШ компанияларида республикамиз билан ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан қизиқишнинг тобора кучайиб бораётганини таъкидлади. Унинг айтишича, томонлар икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида, жумладан, Америка бизнес тизимлари раҳбарлари иштирокида турли ахборот тадбирлари, брифинглар ташкил этиш учун мазкур компаниянинг тижорат соҳасидаги кенг имкониятларидан фойдаланишлари мумкин.

**“Resource Recovery” вакили Харри Келсо** ўз компанияси илғор “яшил технология” асосида чиқиндилардан энергия ва иссиқлик ишлаб чиқариш билан шуғулланишини маълум қилар экан, “Resource Recovery” ҳозирги пайтда Ўзбекистон билан ҳамкорлик ўрнатиш ва уни кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини айтди.

**“Curtis” юридик фирмасининг етакчи ҳамкори Борзу Сабахи** Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ этишнинг янги босқичи ҳисобланадиган Хусусийлаштириш давлат дастурига катта қизиқиш билдирди. У ўз компаниясида хусусийлаштириш ва монополиядан чиқариш бўйича жуда кўп экспертлар меҳнат қилишини, улар бу соҳада ўзбек мутахассисларини тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича амалий кўмак кўрсатиши мумкинлигини қайд этди.

**Виржиния штатининг Қишлоқ хўжалиги ва маиший хизматлар департаменти Халқаро маркетинг бўйича офисининг директори Кийт Лонг** ва **“T.K. Exports Inc”. компанияси вакили Фрэнк Грейвс** икки давлат ўртасида қишлоқ хўжалиги, жумладан, чорвачилик соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш учун салмоқли имкониятлар мавжуд эканлигини эътироф этдилар. Ф. Грейвс ўз компанияси гўшт-сут саноати учун зотдор қорамолларни минтақа мамлакатларига етказиб бериш бўйича кўп йиллик тажрибага эга эканлигини ва компания техникавий хизматларни кўрсатиш билан ҳам шуғулланишини маълум қилди.

**Виржиния университети Бизнес мактабининг профессори Ван Вуд** мазкур таълим муассасаси Хитой, Ҳиндистон ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларидаги олий ўқув юртлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганини айтди. У бизнес ва тиббиёт соҳаси учун кадрлар тайёрлаш борасида Ўзбекистоннинг манфаатдор олий ўқув юртлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш масаласида иш олиб боришга тайёр эканлигини таъкидлади.

**«Жаҳон» АА.**
Ричмонд

# Маҳаллий Кенгашлар ва фуқаролар йиғинлари ҳамкорлиги

**ҳудудий аҳамиятга молик масалалар ечимида муҳим ўрин тутмоқда**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шуларга мос равишда ҳамкорликда баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларга билим бериш, маънавий-ахлоқий руҳда камол топтириш ва касбга йўналтириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий ҳаётида хотин-қизларнинг кенг иштирокини таъминлаш ва соғлом оилани шакллантириш соҳаларида муҳим чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилаётир.

Бу ҳамкорлик натижаларини халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари сессияларида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш масаласи йилнинг ҳар чорагида муҳокама қилинаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида 168 марта туман ва шаҳар Кенгашларида, 14 бор Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама этилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Семинарда, шунингдек, ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ролини кучайтиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан зарур таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ВИДЕОМУЛОҚОТ

*Диёримиз бўйлаб Янги йил байрами шукуҳи кезаётган айни шу кунларда давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармойишига мувофиқ, Тошкент вилоятидаги ҳарбий қисмлар, ташкилот, муассаса ва ўқув юртларида ҳам Ватан ҳимоячилари куни олдидан “Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!” шиори остида маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар ўтказилмоқда.*

# «Менинг ўғлим — Ватан ҳимоячиси!»

“Менинг ўғлим — Ватан ҳимоячиси!” мавзуида Тошкент давлат аграр университетида ташкил этилган видеоконференция — шулардан бири. Интерактив мулоқот тарзида ўтказилган тадбирда Сурхондарёдаги ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган Тошкент вилоятилик ва пойтахт вилоятида йигитлик бурчини адо этаётган сурхондарёлик муддатли ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг ота-оналари қатнашди.

Тошкент ҳарбий округи ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида уюштирилган видеомулоқотда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани алоҳида қайд этилди.

— Ҳарбий хизмат ҳаётимнинг энг ёрқин ва унутилмас палласи бўлиб қолиши шубҳасиз, — дейди Тошкент ҳарбий округидаги қисмлардан бирида йигитлик бурчини ўтаётган сурхондарёлик оддий аскар Фаррух Набиев. — Буни чинакам ҳаёт мактаби, дейишганича бор экан. Буёғини сўрасангиз, хизматлар аъло, ўқиб-ўрганишимиз, жисмоний чиниқишимиз учун барча шароит муҳайё. Коллежни ахборот технологиялари йўналиши бўйича битирганим хизмат даврида ҳам қўл келмоқда. Мана шундай замонавий миллий армиямиз сафларида эканимдан, ўз Ватанимга хизмат қилаётганимдан фахрланаман.

Бекобод шаҳрилик Азамат Тошматов — оиланинг кенжаси. Акасига қизиқиб, муддатли ҳарбий хизматга отланди. Айни пайтда Сурхондарёда. Видеомулоқотда онаси Муҳаббат ая билан тўғридан-тўғри суҳбатга киришган оддий аскар гапининг сўнгида “Сизга берган ваъдамни бир зум ҳам унутганим йўқ, онажон!” деди.

Аскар йигитнинг бундай самимий гапидан сўнг тадбир ўтаётган зал лаҳзалик сукутга чўмди. Муҳаббат аянинг жавоби эса қисқа бўлди:

— Сендек фарзандим борлигидан чексиз фахрланаман!

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Мақсад — Олимпиадада муносиб иштирок этиш

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Хусусан, енгил атлетика бўйича 7 та, бокс, байдарка ва каноэда эшкаш эшиш ҳамда оғир атлетика спорт турларида 5 тадан, таэквондо (WTF), сузиш, эркин ва юнон-рум курашида биттадан лицензияга эга бўлинди.

Паралимпиячиларимиз енгил атлетика (10 та), дзюдо (8 та), сузиш (4 та), ўқ отиш ҳамда пауэрлифтинг каби турлардан (биттадан) йўлланмани қўлга киритдилар.

Анжуман доирасида дунё биринчиликлари совриндорлари, “Рио — 2016” йўлланмасини олган спортчиларимиз, уларнинг мураббийлари, ота-оналари, мамлакатимизда олимпия ҳаракатини ривожлантиришга муносиб улуш қўшаётган бир қатор юртдошларимиз мукофотланди.

— Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ҳар томонлама ривожлантириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини чуқур қарор топтиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаяпти, — дейди жорий йилда Қатарнинг Доҳа шаҳрида бокс бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати кумуш медали ҳамда Олимпиада ўйинлари йўлланмаси соҳиби Фазлиддин Ғойибназаров. — Бундай ғамхўрлик бизни янги марралар сари руҳлантиради, Ватанимизнинг халқаро спорт майдонларидаги ютуқлари салмоғини янада юксалтиришга ҳисса қўшиш йўлида қанот бағишлайди. Мақсадим — Бразилияда олтин медалга сазовор бўлиб, юртимиз байроғини бошим узра баланд кўтариш.

Тадбирда 2016 йилда ҳам Рио-де-Жанейро мезбонлик қиладиган нуфузли баҳсларга лицензия берадиган яна кўплаб турнирлар ўтказилиши ҳақида айтиб ўтилди. Умид қиламизки, уларда спортчиларимиз муваффақиятли қатнашишади.

Маросимда Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциациясига Халқаро Олимпия қўмитасининг “Спорт ва инновация” номинацияси бўйича махсус мукофоти топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳодиев сўзга чиқди.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ТАДБИР

*Пойтахтимизда оммавий ахборот воситаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан ўтказилган тадбирда соҳа ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.*

# Демократик ислоҳотлар кўзгуси

Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ривожини кафолатлаш мақсадида мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилиб, соҳада замон талабларига тўла жавоб берадиган моддий-техника базаси шакллантирилди. Пировардида матбуотимиз фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтиришда, жамоатчилик назоратини кучайтиришда, давлат ва жамият ўртасида шаффоф муносабатни қарор топтиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этаяпти.

Айни пайтда юртимизда 1 минг 400 дан ортиқ ОАВ фаолият юритмоқда. Эътиборлиси, анъанавий ахборот воситалари билан бир қаторда, интернет журналистикаси ҳам тез суръатда ривожланиб бораётир. Интернет ресурслари орқали кўплаб хорижий тилларда ахборотлар тарқатилмоқда. Бу эса мамлакатимиз миллий ахборот маконининг мазмуни ва манзарасини тубдан ўзгартиришга хизмат қилаётир.

Давра суҳбатида шулар хусусида фикр юритилиб, сўз эркинлиги масъулияти, журналистларнинг профессионал билим ва маҳоратини ошириш, уларнинг фаол фуқаролик позицияси, касб одоби, жамоатчиликка холис ахборот етказишда ихтисослашувининг аҳамияти юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Тадбир доирасида Жамоат фонди томонидан қатор ҳамкорлар билан биргаликда ташкил этилган “Жамият ва мен”, “Инсон ҳуқуқлари — журналист нигоҳида” танловлари ғолиб ҳамда совриндорлари муносиб тақдирланди.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Эзгу ғояларнинг эркин минбари

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда бошқа ҳамкор идора ва ташкилотлар кўмагида “Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари умуминсоний эзгу ғояларнинг эркин минбари” мавзуида конференция ўтказилди.*

АНЖУМАН

Тадбир Президентимизнинг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда, миллий журналистика соҳасида 2015 йил давомида қилинган ишларни таҳлилий баҳолаш, Соғлом она ва бола йилида ҳаётга татбиқ этиладиган кенг кўламли чора-тадбирларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши, унинг жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнидаги фаол иштирокини таъминлаш масалалари муҳокамасига бағишланди.

Қайд этилганидек, юртимизда масс-медиани ривожлантириш, миллий матбуотимиз таъсирчанлигини ошириш, фуқароларнинг сўз эркинлигига доир ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, материалларнинг янги, таъсирчан шаклларини яратиш, иқтидорли журналистларни рағбатлантириш, ёш ижодкорларнинг билим ва кўникмаларини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Бинобарин, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ижросини ёритишда қалам аҳли фаол иштирок этди. Хусусан, бу борада амалга оширилган салмоқли ишлар, уларнинг самаралари, мазмун-моҳияти туркум мақолалар, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар, интернет-материалларда ўз ифодасини топди ва ушбу жараён давом этмоқда.

Тадбирда истиқлол йилларида республикамизда баркамол авлодни вояга етказиш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани алоҳида айтиб ўтилди. 2016 йилда бу борадаги саъй-ҳаракатлар янги босқичга кўтарилади. Ўз навбатида, ижод аҳли зиммасига ҳам катта масъулият юкланади. Жумладан, келгуси йилга “Соғлом она ва бола йили” деб ном берилишидан кўзланган мақсад, Президентимиз маърузаси ҳамда Давлат дастурида белгиланган йўналишлар моҳиятини аҳоли онгига чуқур етказиш, тарғиб этишда журналистлар янада фаол бўлишлари мақсадга мувофиқ. Ҳар бир оммавий ахборот воситасида махсус рукнлар, туркум телерадиодастурлар ташкил этилиб, уларда оналик ва болалик ҳимояси, баркамол авлод тарбияси йўлидаги эзгу ишларнинг бориши ҳақида кенг жамоатчилик бохабар этилади.

Конференцияда мавзуга доир маърузалар тингланди. Якунда “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида журналистика соҳасида ўтказилган “Эъзоз, эҳтиром, эътироф” республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда “Энг яхши мақола”, “Энг яхши теледастур”, “Энг яхши эшиттириш”, “Энг яхши ижтимоий ролик” ва “Энг яхши интернет-сайт” номинациялари бўйича бир қатор ижодкорларга ташкилотчиларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

**М. ҚОСИМОВ.**

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Жорий йилда Ямайка фонд бозори дунёдаги энг жадал ривожланаётган субъект, деб топилди.*

## Жадал ривожланаётган биржа



Бу ҳақда "Блумберг" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Мамлакат миллий биржасининг асосий индекси 80 фоиз ошган. Бундай муваффақиятда ушбу давлат иқтисодиётидаги ўсиш, инвесторларга берилаётган кафолатларнинг яхшилангани, маҳаллий активларнинг хорижлик сармоядорлар томонидан сотиб олинаётгани муҳим омилга айланган. Йил якуни бўйича Ямайка ялпи ички маҳсулоти 1,4 фоиз ўсиши тахмин қилинмоқда.

## Янги смартфон

*Хитойнинг смартфонлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Meizu" компанияси янги маҳсулотини омма эътиборига ҳавола қилди.*

Унга жуда кучли процессор, кўп маълумотларни жойлаш имкониятига эга хотира, сифатли овоз тизими, замонавий камера ва сканер ўрнатилган. Айни шу хусусиятлари билан ушбу мобиль алоқа воситаси харидорларда катта қизиқиш уйғотиши айтилмоқда.




Маълумот ўрнида қайд этиш жоиз, "Meizu" компанияси мамлакатдаги энг яхши ўнта ишлаб чиқарувчидан бири ҳисобланади. Унинг "MX", "M" ва "Pro" каби моделдаги смартфонлари кўпчиликка яхши таниш.

## Қўнишда адашди

*Конго Демократик Республикасида "A310" самолёти қўниш пайтида ҳалокатга учради.*



"Air Service" авиакомпаниясига тегишли ҳаво лайнери учувчиси Мбужи-Майи аэропортидаги учиш-қўниш йўлагини адаштириб юборгани натижасида самолёт яқин орадаги уйга бориб урилган. Хонадон ичида бўлган етти кишининг барчаси ҳаётдан кўз юмган.

## Қизиқиш кучаймоқда

*Франциянинг Лион шаҳридаги "Confluence" номли янги музейга ташриф буюраётганлар сони қисқа вақт ичида 750 минг нафардан ошиб кетди.*



У 2014 йилда Ронь ва Сон дарёлари қўшилган жойда очилган эди. Маданият масканига келаётганлар 3 мингдан ортиқ доимий кўргазма коллекциялари билан танишишлари мумкин. Уларнинг орасида илмий, археологик, этнографик экспонатлар мавжуд.

## Бўрон ва ёғингарчилик мавсуми

*АҚШнинг шарқий қисмида кучли бўрон ва ёғингарчиликлар кузатилмоқда.*

Хусусан, Миссисипи, Теннеси, Арканзас, Миссури, Иллинойс ва Кентукки штатларида, айниқса, вазият жиддий тус олган. Бунинг оқибатида ўн киши қурбон бўлган. Шунингдек, Атланта, Вашингтон, Нью-Йорк аэропортларида кўплаб рейслар бекор қилинган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

ҚАРОР ВА ИЖРО

*Тадбиркор Сапарбой Норбоев Хонқа туманидаги Қирқёп қишлоғида маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини бунёд этган эди. Бугунги кунда бу ерда аҳолига бир неча турдаги хизматлар кўрсатилаяпти. Мазкур қишлоқ ҳудудида жойлашган "Тўти Рўзметова" фермер хўжалиги раҳбари Арслон Рўзметов ҳам шу тармоққа қўл уриб, қўни-қўшниларининг оғирини енгил қилмоқда.*

# Сервис хизмати ва тадбиркорлик

Дарҳақиқат, юртимизда тадбиркорлик изчил ривожланаётгани туфайли қишлоқ жойларда сервис соҳасининг янги турлари пайдо бўлаётир.

Мисол учун, Хоразм вилоятида жорий йилнинг 9 ойида аҳолига 1 триллион 828 миллиард сўмликдан ортиқ хизматлар кўрсатилди. Бу кўрсаткич аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 13 фоиз кўпдир. Ўтган вақт мобайнида 81,3 миллиард сўм миқдоридаги инвестиция ўзлаштирилиши ҳисобига эса 528 та янги хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил қилиниб, уларда 2 минг 512 тадан зиёд иш ўрни яратилди. Пировардида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида мазкур соҳанинг улуши 41,5 фоизга етказилди.

— Президентимизнинг "2012 — 2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори асосида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси равнақи учун кредит ҳамда солиқ бўйича имтиёзлар берилгани жойларда унинг замонавий инфратузилмасини ташкил этиш ва кенгайтириш имконини яратмоқда, — дейди вилоят иқтисодиёт бош бошқармасининг хизмат соҳаси, аҳоли турмуш даражаси ва истеъмол бозори бўлими бошлиғи Одилбек Эгамбердиев. — Натижада қишлоқ аҳли сартарошхона ёки пойабзал таъмирлашдек анъанавий турлардан ташқари, қурилиш, суғурталаш, соғлиқни сақлаш, таълим, дам олишни ташкил этиш, автомобилларга хизмат кўрсатиш, алоқа ва ахборотлаштириш каби ўнлаб янги хизмат турларидан баҳраманд бўлаётир. Ҳудудий дастурга кўра эса, йил охиригача вилоятда яна 220 тага яқин хизмат кўрсатиш шохобчасини фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Эътиборли жиҳати, воҳада йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш тармоғини янада такомиллаштириш ишлари жадал давом этмоқда. Шу мақсадда автопарклар янги автобуслар билан тўлдирилаяпти. Кейинги 4 йил ичида 180 та янги "Исузу" автобуси харид қилингани, қишлоқларни туман ва вилоят марказлари билан боғловчи 130 та йўналиш бўйича автобус ҳамда микроавтобуслар қатнови йўлга қўйилгани, шунингдек, республикамизнинг бошқа вилоятларига 8 та йўналиш ташкил этилгани ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Шуни қайд этиш керакки, соҳани ривожлантиришда тижорат банкларининг ҳиссаси анча салмоқли. Чунончи, жорий йилнинг 9 ойида улар томонидан 46 миллиард 108 миллион сўмлик ёки олдинги йилнинг шу давридаги кўрсаткич билан таққослаганда, 30 фоиз кўп кредит йўналтирилди.

Буларнинг барчаси, табиийки, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириши баробарида, аҳоли турмуш фаровонлигининг тобора юксалишига хизмат қилмоқда.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ҳосил бир ой олдин етилади

*Самарқандлик деҳқон ва фермерлар "тўқсонбости" усулида озиқ-овқат экинлари парваришлаб, эртаки ҳосил етиштиришнинг ҳадисини олган. Бу йил ҳам ушбу технология асосида вилоятда жами 14 минг 859 гектар майдонда пиёз, сабзи, ош лавлаги, кўкатлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришни режалаштиришган.*

ИЗЛАНИШ

— Об-ҳаво шароитига қараб, ноябрь-декабрь ойларида амалга ошириладиган экин-тикин ишларининг афзал жиҳатлари кўп, — дейди Самарқанд вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг мева-сабзавотчилик ва узумчилик бўйича бош мутахассиси Мақсуд Қорабоев. — Чунки қиш аввалида сочилган уруғ баҳорда тез ривожланади. Майдонни бегона ўт босмаслиги туфайли қўшимча меҳнат ва сарф-харажат талаб қилинмайди. Энг муҳими, ҳосил бир ой олдин пишиб етилади. Шу боис вилоятимизда келгуси йил ҳосили учун нафақат боғлар ва ток қатор ораларига, балки ҳосилдан бўшаган майдонларда ҳам "тўқсонбости" усулида экинлар экилди.

Соҳа мутахассислари томонидан экин-тикин ишларини 15 декабргача ниҳоясига етказиш тавсия қилинган эди. Шундан келиб чиқиб, зарур чора-тадбирлар кўрилгани натижасида барча тоифадаги хўжаликларда бу юмуш белгиланган муддатда уддаланди. Бу борада, айниқса, сабзавотчиликка ихтисослаштирилган Булунғур, Жомбой, Самарқанд ва Ургут туманлари меҳнаткашлари ибрат намунасини кўрсатди.

— "Тўқсонбости" усули навни тўғри танлашга алоҳида масъулият билан ёндашишни талаб этади, — дейди қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Хидирали Ботиров. — Масалан, сабзининг "Зийнатли", "Фаровон", пиёзнинг "Истиқлол", "Зафар", "Испанский-313", ош лавлагининг "Бардо-237", "Диёр" ва "Ягона" каби навлари экилгани маъқул. Уларнинг ҳосилдорлиги юқори бўлиб, қишнинг совуқ обҳавосига нисбатан чидамлидир.

Шу кеча-кундузда жойларда барча турдаги экинлар интенсив технологиялар асосида парваришланмоқда.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР

O'ZSANOATQURILISHBANK «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

**инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш бўйича йирик молиявий институтларнинг кредит линиялари маблағларини таклиф қилади:**

— **Халқаро тараққиёт уюшмаси**
- Кредит мақсади — Андижон, Бухоро, Фарғона, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент вилоятларида мева-сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича асбоб-ускуналар сотиб олиш.

— **Хитой давлат тараққиёт банки**
- Кредит мақсади — Хитой давлатида ишлаб чиқарилган технологик ускуналарни сотиб олиш.

— **«Commerzbank AG» (Германия)**
- Кредит мақсади — Европа Иттифоқи мамлакатларида ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналарни сотиб олиш.

— **«Export Import Bank of Korea» (Жанубий Корея)**
- Кредит мақсади — кичик бизнес субъектлари лойиҳалари учун Корея Республикасида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларни сотиб олиш.

Шунингдек, Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси кредит линияси маблағлари ҳисобидан Сурхондарё вилоятида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш амалга оширилаётганлигини маълум қилади.

| | |
|---|---|
| Андижон минтақавий филиали | (0-374) 235-20-99, 235-30-97 |
| Бухоро минтақавий филиали | (0-365) 223-57-36 |
| Тошкент вилояти минтақавий филиали | (0-371) 244-14-89, 244-55-05 |
| Қашқадарё минтақавий филиали | (0-375) 223-22-12, 223-23-11 |
| Навоий минтақавий филиали | (0-436) 224-67-01 |
| Наманган минтақавий филиали | (0-369) 234-14-94 |
| Самарқанд минтақавий филиали | (0-366) 221-44-30 |
| Сурхондарё минтақавий филиали | (0-376) 781-12-86 |
| Сирдарё минтақавий филиали | (0-367) 225-19-55 |
| Фарғона минтақавий филиали | (0-373) 244-08-97 |
| Хоразм минтақавий филиали | (0-362) 223-22-93 |
| Қорақалпоғистон минтақавий филиали | (0-361) 780-01-48 |
| Марказий амалиёт минтақавий филиали | (0-371) 140-15-36 |
| Тошкент шаҳар минтақавий филиали | (0-371) 140-66-47, 140-66-29, 140-66-28, 140-66-30. |

Хизматлар лицензияланган.

1922R/856

«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ

**мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Бухоро вилояти хўжалик судининг ижро варақаларига асосан хатланган, «Қоракўлдон-маҳсулотлари» АЖга тегишли, Қоракўл тумани, Тошкент кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 208,4 кв.м.дан иборат «Наврўз» чойхонаси ва ошхона бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 301 818 624 сўм.***

Мулкдор бўлиш истагидаги харидорлар савдо ташкилотчиси «Shad savdo zamin» МЧЖга юқорида кўрсатилган мулкни сотиб олиш учун ариза, савдо ташкилотчисининг АТБ «Ҳамкорбанк» Бухоро филиалидаги МФО: 00966 СТИР: 302097424, 20208000004935078002 ҳисоб рақамига мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати асл нусхаси, талабгорнинг ҳуқуқий ҳужжатлари нусхасини тақдим этишлари шарт.

Аукцион савдоси 2016 йил 11 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Кўчмас мулклар 2016 йил 11 январдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2016 йил 26 январь куни соат 11.00 да Бухоро шаҳри Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биносида бўлиб ўтади.

Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишига 1 кун қолганда тўхтатилади.

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 502-хона, «Shad savdo zamin» МЧЖ. Телефон: (+99895) 600-55-91.**

Хизматлар лицензияланган.

1912A/896

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2016 йил 14 январь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такроран қўйилмоқда:

**1.** Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, Қапчуғай кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 4423,78 кв.м., фойдаланиш майдони 1012 кв.м. бўлган, 0001-0016-литерлардаги керамзит базаси.

***Бошланғич баҳоси — 261 187 323 сўм.***

**2.** Олтиариқ тумани, «Олтиариқ» ҚФЙ, «Зураймомо» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 11365,27 кв.м., фойдаланиш майдони 4596,42 кв.м. бўлган, 0001-0012-литерлардаги молхона.

***Бошланғич баҳоси — 320 423 002 сўм.***

**3.** Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, «Қапчуғай» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 3585,71 кв.м., фойдаланиш майдони 3361,38 кв.м. бўлган, 0001-0014-литерлардаги темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш цехи.

***Бошланғич баҳоси — 389 479 350 сўм.***

**4.** Олтиариқ тумани, «Олтиариқ» ҚФЙ, «Кўмирчи» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 112,23 кв.м., фойдаланиш майдони 87,91 кв.м. бўлган, 0001-литердаги 4-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 32 053 398 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 12 январь куни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 58-уй, Савдо-саноат палатаси биноси, 1-қават. Телефонлар: (+99873) 244-60-09, (+99890) 231-38-59.**

Хизматлар лицензияланган.

1916R/34

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Сирдарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Мирзаобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 9 июлдаги 10-1518/9487-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Сирдарё агротерминал» МЧЖга тегишли, Мирзаобод тумани, «Бирлашган» ҚФЙ, Пиллакор қўрғонида жойлашган, умумий майдони 6264,70 кв.м., қурилиш ости майдони 2519,73 кв.м. бўлган идора ва ёрдамчи бинолари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 437 500 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 25 январь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 22 январь куни соат 18.00.

**2.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 14 февралдаги 12-1111/921 (27.1)-сонли ва 2012 йил 6 сентябрдаги 12-1206/3664 (27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Малик уруғчилик чигит» МЧЖдан қарзини ундириш эвазига хатланган, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ ҳудудида жойлашган, 27 кўчмас мулкдан иборат бино-иншоотлар мулкий мажмуа сифатида бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 949 837 627 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 18 апрелдаги 12-1306/2055-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Янги ҳаёт» СИУ, Охунбобоев кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 1139,0 кв.м.дан иборат, «Дони» хусусий фирмасига тегишли бўлган бино-иншоотлар бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 452 266 098 сўм.***

**4.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 23 ноябрдаги 12-1207/15633-сонли ижро варақаси ва 2013 йил 31 январдаги 12-1306/1028 (27.1)-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Ўзбекистон» СИУ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 6,0 гектардан иборат, «Файз-2003 йил» МЧЖга тегишли бўлган чорвачилик фермаси бино-иншоотлари бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 396 938 174 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 11 январь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 8 январь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг АТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (0-367) 226-38-91. Расмий сайт: www.1kms.uz**

Лицензия: RR-0001.

1918R/02

«Universal auktsion invest» МЧЖ Жиззах вилояти филиали

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

2016 йил 26 январь куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар хўжалик судининг 10-1506/9410-сонли ҳал қилув қарорига асосан, банкрот деб эътироф этилган, Тошкент шаҳри, Олмазор туманидаги «Delvita Trade» МЧЖ тугатиш суд бошқарувининг мурожаатига асосан, қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Isuzu SAZ NPR66PL» русумли, давлат рақами 01 385 ВАА.

***Бошланғич баҳоси — 39 798 004,89 сўм.***

* 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Jimbei» русумли, давлат рақами 01 380 ВАА.

***Бошланғич баҳоси — 33 068 678,81 сўм.***

* 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «Jinbei» русумли, давлат рақами 01 384 ВАА.

***Бошланғич баҳоси — 32 920 384,91 сўм.***

* 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «JBC» русумли, давлат рақами 01 381 ВАА.

***Бошланғич баҳоси — 32 716 232,69 сўм.***

* 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Jimbei» русумли, давлат рақами 01 382 ВАА.

***Бошланғич баҳоси — 35 115 397,01 сўм.***

2016 йил 26 январь куни соат 11.30 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Бектемир тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 8 июндаги 10-1417/5343-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Sinotruk» русумли (ўзи ағдарувчи), давлат рақами 01 342 NBA.

***Бошланғич баҳоси — 109 597 039 сўм.***

* 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Sinotruk» русумли (ўзи ағдарувчи), давлат рақами 01 345 NBA.

***Бошланғич баҳоси — 109 597 039 сўм.***

Ушбу автотранспорт воситалари билан бевосита тугатиш бошқарувчиси ва тегишли СИБ вакили иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖнинг АТ «Турон» банки Яшнобод филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 302083379, 20208000004932168025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 236-74-67.**

**Гувоҳнома № 004059.**

1917R/33

■ ИРОДА

*Тақдир экан, Умиджонга болалик чоғида қувлашмачоғу футбол ўйнаш насиб қилмади. Дарахтга чиқиб, онасига мевалар узиб беролмади. Аксинча, тенгдошлари аллақачон шўх-шодон юрган пайт — беш ёшида ҳам у онасининг опичида бўлди.*

# ОНА МЕҲРИ ИНЪОМ ЭТГАН БАХТ

...Ўшанда ўтган асрнинг саксонинчи йиллари боши эди. Не қисматки, кечагина чопқиллаб, исмида ёш оиланинг беғубор орзу-ниятларини жо қилган, чексиз бахту қувонч келтирган тўнғич фарзанд Умиджон уч ёшга тўлганида полиомиелит касаллигига чалинди. Натижада чап оёғи ишламай қолди. Гулдек яйраб-яшнаб ўсаётган дилбандининг бундай аҳволга тушгани она учун, айниқса, тақдирнинг оғир зарбаси бўлди. Хайрихон Аҳмедова ўзини қўлга олиб, боласининг эти суягига етиб, қуриб бораётган оёғига шифо излаб, гоҳ Тошкент, гоҳ Андижон, гоҳ Фарғонани гирён кезди. Одатда, фарзанди бор аёлларни бахтиёр дейишади. Бинобарин, нима бўлганда ҳам хаста ўғлини елкасида кўтариб, не-не қийинчиликларга дуч келган Хайрихон опанинг қалб қўрини ҳам ана шу оналик бахти, бир зум бўлса-да, тарк этмади.


Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

— У кунларни эсламасликка ҳаракат қиламан, — дейди айни пайтда Гулистон шаҳридаги “Тараққиёт” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлиб ишлаётган Хайрихон опа. — Лекин Умиджон тез-тез “Аяжон, лоақал мен учун машаққат чеккан бир кунингизга яраша сизга қувонч келтира олсам эди...” деган гапларни тез-тез такрорлаб туради. Аслида ўғлим ўтаётган ҳар бир кунимни байрамга айлантирди, қалбимни қувончларга тўлдириб, мени дунёдаги энг бахтли оналар сафига қўшди.

Дарҳақиқат, Умиджонни бугун ҳеч ким имконияти чекланган инсон, деб билмайди. Ҳатто унинг ўзи ҳам “имконияти чекланган”, деган таърифни тан олмайди. У мустаҳкам иродаси, қатъияти туфайли армрестлинг билан шуғулланиб, Сирдарё ёки мамлакатнинг эмас, балки дунёнинг энг кучли спортчиларидан бирига айланди. Эътибор беринг: ушбу спорт тури бўйича ўн карра жаҳон чемпиони бўлди. Спорт туфайли Умиджон ҳаётда ҳам, жамиятда ҳам ўз ўрнини топди.

— Бир оёғим ишламасада, полвон бўлишни орзу қилар эдим, — дейди Умиджон Аҳмедов. — Шу боис Тошкентдаги мактаб-интернатда ўқиб юрган чоғларимда бўш вақтимни спорт залида ўтказишга одатландим. Рости, ўшанда қийин ва оғриқли бўлса-да, мураккаб машқларни бажаришга ўзимни мажбур қилардим. Натижада кундан-кунга кучимга куч қўшилар, ўзимга бўлган ишончим ортиб борарди. Ҳаракатларим зое кетмади. Тез орада мураббийлар назарига тушдим. Сўнгра ҳаётимда унутилмас дамлар бошланди. Бирин-кетин республика, Осиё ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда ғолиб чиқдим. Бу муваффақиятлар ўзимни ҳамма қатори соғлом инсон сифатида ҳис қилишим учун алоҳида руҳий қувват, хурсандчилик бағишлаганини сўз билан ифодалаш қийин. Энг муҳими, мен ҳам гўзал Ўзбекистонимиз номини халқаро мусобақаларда улуғлаш бахтига муяссар бўлдим.

Дарвоқе, Умиджоннинг Ватанимиз шон-шуҳратини дунёга таратиш йўлидаги хизматлари давлатимиз томонидан ҳам муносиб эътироф этилган. У 2000 йилда Президентимиз Фармони билан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” фахрий унвони, 2005 йилда эса “Жасорат” медали билан тақдирланган.

Айни чоғда Сирдарё вилояти болалар ва ўсмирлар спорт мактабидаги армрестлинг тўгарагига раҳбарлик қилаётган Умиджон шогирдларига ва барча ёшларга ўз ҳаёт йўли билан ибрат бўлаётган мураббий ҳамдир. Эътиборлиси, у ўн саккиз йиллик фаолияти давомида спортда эришган натижаларидан ташқари, 27 нафар мамлакат, 8 нафар Осиё чемпиони ва икки нафар жаҳон чемпионати совриндорини тарбиялади. Вилоятда спортнинг армрестлинг тури бўйича маҳорат мактаби яратилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Кўпчилик Умиджонни оилада комил фарзанд, меҳрибон ота ва фидойи инсон сифатида ҳам яхши билади. У бўш кунларида турмуш ўртоғи Зебохон ва ўғиллари Хондамир ҳамда Самандарни олиб, онаси ҳузурига ошиқади. Ўзи ош дамлаб, волидасининг кўнглини олишга интилади. Дастурхонга эса у етиштирган боғдаги мевалар қўйилади. Ҳафтанинг қолган кунларини эса машғулотларга бағишлайди. Ҳар доим уни интиқлик билан кутаётган шогирдларини кўриб, кимларгадир нафи тегаётганидан севинади, ўзини бахтиёр ҳис этади.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Спорт иншоотлари фойдаланишга топширилди

*Поёнига етаётган йилда “Ўзметкомбинат” акциядорлик жамияти томонидан Бекобод шаҳрида бир йўла иккита спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

■ ҒАМХЎРЛИК

Жумладан, муҳташам “Металлург” мажмуасида барпо этилган қўшимча стадион мамлакатимиз олий лигасида иштирок этаётган чарм тўп усталарини ҳам, футбол ихлосмандларини ҳам бирдек мамнун этди.

Замонавий иншоот мини-футбол бўйича нуфузли мусобақаларни ташкил этишга ҳам мўлжалланган. “Миллионлар ўйини” тартиб-қоидалари асосида жиҳозланган стадионда бир вақтнинг ўзида тўрт жамоа бири-бирига халақит бермаган ҳолда баҳс юритиши мумкин. Эътиборлиси, бу ерда қуриб битказилган яна бир кичик майдон спорт оламига эндигина қадам қўяётган жажжи болажонларга аталган бўлиб, унда меъёрий талаблар алоҳида инобатга олинган.

— Жорий ўқув йилидан бошлаб шаҳримиздаги 12-умумтаълим мактаби ўқувчилари ҳам жисмоний тарбия дарслари ва машғулотларини замонавий спорт мажмуасида ўтказиш имконига эга бўлдилар, — дейди шаҳар ҳокимлигининг ижтимоий масалалар бўйича бош мутахассиси Назиржон Бекназаров. — Бу ерда ўғил-қизлар спортнинг барча оммавий турлари билан шуғулланишлари ҳамда қўшимча тўгарак машғулотларида қатнашишлари мумкин. Бунинг учун ёпиқ ва очиқ ареналар, тренажёр зали, ювиниш ҳамда дам олиш хоналари мавжуд. Мажмуа 30 хилдан ортиқ инвентарлар билан таъминланди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР







**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Қибрай тумани СИБ томонидан 2015 йил 8 апрелдаги 8064/2-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Эшонгузар» ҚФЙ, Истиқлол кўчаси, 22-уйда жойлашган хонадон қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 522 995 625 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 27 январь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universal bank» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904936050003, МФО: 00996, СТИР: 207125885.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (0-371) 233-09-38. Ички телефон: 258.**

1921R/894

Хизматлар лицензияланган.


Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси Теледастурларни мониторинг ва таҳлил қилиш бўлими етакчи мутахассиси Маҳмуда Тожибоевага отаси

**Шаҳобиддин ТОЖИБОЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1267. 72 731 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.10 1 2 3 4 5